

**КРЕДИТНИНГ ТҮЛИҚ  
ҚИЙМАТИ   % (  )  
ФОИЗ**

**QR-код**

**"Капитал Авто 7"**

**Кредит картасини тақдим этиш түғрисида шартнома №**

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда "Банк" деб номланадиган "Капиталбанк" акциядорлик тижорат банк, номидан   .202   йилдаги   -сонли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи АТБ "Капиталбанк"нинг "Капитал 24" ЧБФнинг "              " смартбанки бошлиги   , бир томондан кейинги ўринларда "Қарз олувчи" деб номланадиган ҳамда ўз манфаатлари доирасида ҳаракат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси                (паспорт серияси   .202   да                томонидан берилган) иккинчи томондан, биргаликда эса "Тарафлар" деб номланувчилар, мазкур "Капитал Авто 7" кредит картасини тақдим этиш түғрисида шартномани №    (кейинги ўринларда – "Шартнома") қуидагилар ҳақида туздилар.

## **1. КРЕДИТ БЕРИШ ҚОИДАЛАРИ**

1.1. Агар ушбу шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мазкур Шартнома матнидаги атамалар, унинг (мазкур Шартноманинг) ажралмас қисми бўлган ва фақат у (мазкур Шартнома) билан биргаликда қўлланиладиган "Капитал Авто 7" кредит картасини бериш ва ундан фойдаланиш Қоидаларида (кейинги ўринларда – "Қоидалар") белгиланган мазмунга эга.

1.2. Қоидалар "              " манзили бўйича Банкнинг сайтида ва Банк бўлинмаларида жойлаштирилган.

Қоидалар билан шунингдек, мазкур Шартноманинг биринчи бетидаги QR-кодни сканер қилиш орқали ҳам танишиб чиқиш мумкин.

1.3. Мазкур Шартнома матнидаги атамалар Қоидалар билан белгиланган ва фақат мазкур Шартнома билан биргаликда қўлланилади.

## **2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Банк Қарз олувчига ушбу Шартномада белгиланган шартларда, ООО "              " дан                русумли автотранспорт воситасини (кейинги ўринларда – "Кредит обьекти") харид қилиш мақсадида, мазкур Шартнома тузилган санадан бошлаб    ой муддатга            сўм (асосий қарз) микдорида мақсадли Кредит картаси (кейинги ўринларда "Кредит" ва/ёки "Кредит карта" деб номаланди) тақдим қиласди.

2.2. Кредит картаси ундаги кредит маблағларидан бир марта фойдаланиладиган, янгиланмайдиган кредит лимити (чегараси) мавжуд бўлган виртуал кредит картаси очиб бериш орқали тақдим қилинади.

## **3. КРЕДИТ КАРТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

3.1. Кредит картасидаги пул маблағларидан фойдаланиш Қарз олувчининг Банкни қаноатлантирадиган шаклдаги аризасига асосан маблағларни Кредит картасидан Кредит обьектини сотувчи ООО "              " нинг банк ҳисобварағига кредитнинг тўлиқ суммаси ёки унинг бир қисми микдорида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ўрнатилган тартибда кўчириб бериш орқали амалга оширилади.

3.2. Кредит картаси бўйича асосий қарздорлик ва фоизларни сўндириш (қайтариш) Қарз оловчи ва/ёки Биргаликда Қарз оловчи томонидан мазкур шартноманинг 1-Иловасида назарда тутилган аннуитет (бир хил давр оралиғидаги бир хил микдордаги тўловлар) қайтариш графигига асосан кредит валютасида амалга оширилади.

#### **4. КРЕДИТ ҚИЙМАТИ**

**4.1. Банк кредит бўйича асосий қарздорликнинг амалдаги қолдиқ суммасига йиллик 24 фоиз хисобидан фоизлар ҳисоблайди. Мазкур шартноманинг 1-Иловасида назарда тутилган асосий қарздорликни сўндириш санаси бузилганида, Банк кредитнинг муддати ўтган қисмига йиллик 36 фоиз хисобидан фоизлар ҳисоблайди.**

#### **5. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ**

5.1. Мазкур шартнома бўйича тақдим қилинадиган кредит картаси қуидагича таъминланади:

5.1.1. Қарз оловчи томонидан, шу жумладан, ушбу кредит картаси ҳисобидан \_\_\_\_\_ сўмга сотиб олинадиган, Тарафлар ўртасида \_\_\_\_\_ сўм келишилган қийматдаги, \_\_\_\_\_ йилда ишлаб чиқилган, \_\_\_\_\_ русумли автотранспорт воситаси гарови билан.

Қарз оловчи ушбу автотранспорт воситасини мазкур шартноманинг тўлиқ амал қилиш даврига тенг муддатга суғурта компанияси орқали суғурталаш мажбуриятини олади. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Банк Наф оловчи бўлиб ҳисобланади. Тегишли тарзда расмийлаштирилган суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал расмийлаштирилган гаров шартномаси Қарз оловчи томонидан мазкур шартномага асосан кредит ажратилгунга қадар Банкка тақдим қилиниши керак;

5.1.2. \_\_\_\_\_ сўмдан кам бўлмаган кредитни қайтармаслик хавфининг суғурта полиси билан. Банк Суғурталовчи билан 6 ойдан кам бўлмаган муддатга кредитни қайтармаслик хавфини суғурта қилиш шартномаси тузади. Кредит қайтармаслик хавфи суғурта полисининг аниқ шартлари, шартлари Банкни қаноатлантирадиган тегишли суғурта шартномасида (суғурта бўйича келишувда) келишилади.

Бунда кредитни қайтармаслик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш мажбурияти Қарз оловчининг зиммасига юклатилади ёхуд Қарз оловчининг ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлмаганда, тўланган суғурта мукофотини Қарздордан кейинчалик Банк тўлаб берган санада қоплаб олиш шарти билан Банк томонидан мустақил тўлаб берилади.

5.2. Шартнома бўйича бир календар ой ичида асосий қарз ва/ёки фоизлар бўйича (15 кун ва ундан ортиқ) муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилганлиги учун Банк ҳар бир бундай муддати ўтган қарздорлик ҳолати учун 1 (бир) БХМ (базавий ҳисоблаш микдори) микдорида жарима қўллашга хақли. Жарималар ҳар ойда ҳар бир ҳолат учун алоҳида қўлланилиши мумкин.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Мазкур Шартнома Тарафлар имзолаган санадан бошлаб кучга киради ҳамда Шартнома бўйича Тарафлар ўзига олган мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар амал қиласи.

6.1.1. Мазкур Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилади ва ёзма келишув тузиш йўли орқали расмийлаштирилади. Мазкур Шартномага ҳар қандай қўшимча келишувлар Банкнинг рухсатисиз тузилган ва ушбу келишувларда Банк ваколатли шахсининг имзоси ҳамда Банкнинг муҳри қўйилмаган бўлса, мазкур келишувлар юридик кучга эга булмайди.

6.1.2. Қоидаларга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш Қоидаларда назарда тутилган тартибида амалга оширилади.

6.2. Қарз олувчи мазкур Шартномани имзолаш орқали Қоидалар билан танишганлигини ва унинг шартларига тўлиқ розилигини тасдиқлайди.

6.3. Мазкур Шартнома ёки у билан боғлиқ, шу жумладан, уни тузишдан, унга ўзгартериш киритишдан, бажаришдан, бузишдан, бекор қилишдан, тўхтатишдан, ҳақиқий эмаслигидан, тузилмаганлигидан ёхуд таъминотни талаб қилишдан (тўлиқ ва/ёки қисман) келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча низо, келишмовчилик, талаблар даъвогарнинг танлаши бўйича:

\*Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан низонинг судга тааллуқлилик ва судловга тегишлилик қоидаларига кўра фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида;

\* ёки Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат Палатаси Самарқанд вилояти ҳузуридаги ҳакамлик судида (кейинги ўринларда “Ҳакамлик суди”) Ҳакамлик суди Регламенти, Ҳакамлик суди тўғрисидаги, Ҳакамлик судида тарафларнинг йифими, харажатлари ва чиқими тўғрисидаги Низомларга асосан ягона ҳакамлик суди судьяси томонидан;

\* ёхуд амалдаги қонунчилиқда белгиланган тартибда нотариал ижро хати олиш орқали ҳал этилади. Қарздорликни нотариал ижро хати олиш орқали ундиришда, Қарз олувчи ва биргаликда Қарз олувчи нотариал ижро хатинининг ҳақиқийлигини сўзсиз тан олади.

Даъво ариза билан судга/ Ҳакамлик судига мурожаат қилишни ёхуд нотарил ижро хати олишни танлаш хуқуқи даъвогарда қолади.

6.4. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ва Кредит беришнинг бошқа шартлари Қоидаларда назарда тутилган.

6.5. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.6. Мазкур Шартнома ва Қоидалар Тарафларнинг хоҳишига кўра ўзбек тилида тузилган. Шартнома уч нусхада тузилган – бир нусхадан Қарз олувчига ва Биргаликда қарз олувчига тақдим қилинган, бир нусхаси эса банкда сақланади. Шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эга.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

|  |
|--|
| <p style="text-align: center;"><b>«Банк»</b></p> <p><b>АТБ "Капиталбанк" "Капитал 24"</b></p> <p><b>Чакана Бизнес Филиали</b></p> <p>_____ x/p№ _____<br/>Банк коди _____ СТИР: _____<br/>ИФУТ: _____</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;">Имзо</p> |
|--|

|  |
|--|
| <p style="text-align: center;"><b>«ҚАРЗ ОЛУВЧИ»</b></p> <p>_____</p> <p>Тел _____</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;">Имзо</p> |
|--|